



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

Samarqand tumani

2010 yil "9" oktyabr

64-Q Sonli

“Фуқаро Музаффаров Ахтамга “Қўштамғали”
қишлоқ фуқаролар йиғини “Бадал” маҳалласи
худудидан савдо дўкони қуришга ер майдони
ажратиш тўғрисида”

“Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бадал” маҳалласида яшовчи фуқаро Музаффаров Ахтам туман ҳоқими номига ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 277-сонли қарори асосида М-39 магистрал автомобил йўлининг қўриқланадиган зонасига, бузилишга тушган савдо дўкони ўрнига “Бадал” маҳалласи худудидан савдо дўкони қуришга руҳсат беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 4 августдаги 825-сонли хулосаси, туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 13 августдаги 110-сонли баённомаси, туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН :

1. Фуқаро Музаффаров Ахтамга “Қўштамғали” қишлоқ фуқаролар йиғини “Бадал” маҳалласи худудидан савдо дўкони қуриш учун 72 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳоқимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Музаффаров Ахтамга савдо дўконини қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39,54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблар топшириғи (АРТ), лойиҳа хужжатларини тайёрлаб давлат архитектура қурилиш назорати инспекцияси рўйхатидан ўтказиш юклатилсин.

3. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳоқимининг биринчи Уринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳоқими

Б.Садуллаев